

---

## Агротехник тадбирлар сифати ҳосилдорлик гарови

Сифатли пахта хом-ашёсини етиштириш – машаққатли иш. Бунга айниқса, йиллар давомида деҳқончилик қилиб келаётган фермерлар жуда яхши билади. Ерга чигит қадалгандан токи унинг ўсиб чиқишидан тортиб етилгунга қадар тинимсиз меҳнат, кунни тунга, тунни кунга улаш талаб этилади. Об-ҳавонинг инжиқлиги, табиатнинг қутилмаган ҳодисалари эса бу масъулиятини янада оширади. Бу борада туман сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосари ва қишлоқ хўжалиги мутасаддилари томонидан техникаларнинг яроқлилиги, агротехник тадбирларнинг сифатли бажарилиши устидан доимий назорат ташкил этилган. Шу билан бирга мутасаддилар фермерлар билан учрашиб, уларга керакли тавсия ҳамда маслаҳатларни бермоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларида механизаторлар учун ойлик маошлар вақтида бериб бориляпти. Кеча тумандаги барча механизаторларга бир миллион сўм миқдоридан пул тарқатилди. Шу билан бирга уларнинг дам олиши учун ҳам шароитлар муҳайё этилган. Механизаторлар уйи доимий шай ҳолатда. Ўз вақтида олиб борилаётган сифатли агротехник тадбирлар пахта хомашёсини ўз вақтида етиштириш, пировардида иқтисодиётимиз ривожига муносиб улуш қўшишга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлаётир.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-07-10 10:54:51